

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ ОТАБЕК АБДУГАФФАРОВИЧ**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИ  
(ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК:323/327:347.1:1(584.4)

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on political sciences**

**Юлдашев Отабек Абдугаффарович**

Давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайлов тизимини демократлаштириш ислохотлари (миллий ва хорижий тажрибалар қиёсий таҳлили) .....3

**Юлдашев Отабек Абдугаффарович**

Реформы демократизации системы выборов в формировании государственных органов власти (сравнительный анализ национального и зарубежного опыта).....28

**Yuldashev Otabek Abdugaffarovich**

Reforms of the democratization of the electoral system in the formation of public authorities (comparative analysis of foreign and national practices) .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ ОТАБЕК АБДУГАФФАРОВИЧ**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИ  
(ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3. (PhD)/Siyos103 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси веб-саҳифасида ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Қирғизбоев Муқимжон**  
сиёсий фанлар доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраев Сайфиддин Ахматович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор.  
**Эргашев Баходир Хожиқурбонович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 5-қават, мажлислар хонаси)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 5-қават, мажлислар хонаси)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» январдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.К.Куранбаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Н.О.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD)

**А.Т.Жалилов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, с.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёдаги кўплаб мамлакатларда сайлов тизими орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилади. Айрим мамлакатлардаги сайлов тизимининг мукамал эмаслиги оқибатида юзага келаётган сиёсий вазият, айти бу борада халқаро ҳамжамият томонидан сайлов тизими ҳамда унга оид замонавий меъёр ва тамойилларни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳонда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишига оид ҳуқуқини таъминлаш кафолатларини янада ривожлантириш, сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқларини кенгайтириш ва давлат ҳокимияти органлари шаклланишининг ўзига хос йўналишларини аниқлаш ва мазкур соҳани такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шу боис, сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайлов жараёнига замонавий ИТ технологияларини кенг жорий этиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сайловолди ташвиқоти учун кенг шарт-шароитлар яратиш орқали сайлов тизими самарадорлигини ошириб боришни тизимли равишда тадқиқ этиш эҳтиёжи ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида сайловларни демократик қадрият сифатидаги ролини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев “сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир”<sup>1</sup> деган фикрни билдирганида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган сайлов тизимини шакллантиришни назарда тутган эди. Демак, ҳозирги шароитида сайлов кампаниялари жараёнида сиёсий технологиялардан кенг ва самарали фойдаланиш, унинг замонавий усулларини Ўзбекистондаги сайловлар жараёнларига жорий этиш давлат ҳокимияти институтларини модернизациялашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов кодекси” (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги 630-сон “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3931-сон “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4004-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари . - Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.-Б.5.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон сайлов тизими ва сайлов кампанияларини демократик принциплар асосида ташкил этиш, бу жараёнга АКТни қўллаш, сайловларда электорат ва сиёсий партияларни фаоллаштириш, фуқаролар дунёқарашида сайловга оид тасаввурларни кенгайтириш, уларни рақобатчилик асосида ўтказишга оид назарий қарашлар ва ҳуқуқий асослар Президент М.М.Мирзиёевнинг шахсий ташаббуслари, асарлари ва фармонларида шакллантирилди, шунингдек, улар кейинги беш йил ичида ўтказилган сайловларда қўлланилди<sup>2</sup>.

Ғарб мамлакатларида давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва бу жараёнда сайлов тизими ҳамда унда сиёсий технологияларни қўллашга доир тадқиқотлар таниқли олимлар: В.Богданор, М.Диманис, А.Лейпхарт, П.Майэр, Р.Роус<sup>3</sup> кабилар томонидан олиб борилган. 2017 йилдаги АҚШнинг Индиана университети Маурер ҳуқуқ мактаби вакили David P.Fidlerнинг “Transforming Election Cybersecurity” мавзусидаги илмий рисоласида, ахборот-технологияларини сайлов тизимига жорий этиш асносида юзага келаётган таҳдидлар, ушбу жараёнда хавфсизликни таъминлаш масалалари илмий ўрганилган<sup>4</sup>.

АҚШнинг Питтсбург университети профессори Daniela Donna ўзининг “Elections and Democratization in Authoritarian Regimes” номли илмий мақоласида сайлов тизимини либераллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари, сайлов демократияси, унинг асосий шартлари, сайлов жараёнида муҳолифат ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ўрганган<sup>5</sup>. Лекин уларнинг тадқиқотлари, асосан, ғарб давлатларидаги сайловлар ва сиёсий технологияларни тадқиқ этишга қаратилган.

Шунингдек, МДХ, хусусан, Россия Федерациясида: Т.Александрова, Т.Арсеньева, А.Балашова, М.Гунаре, С.Лисовский, В.Евстафьев, З.Зотова, А.Ковлер, М.Кошелюк, Т.Лебедева, Е.Малкин, Е.Сучков, А.Цветнов<sup>6</sup> каби олимлар томонидан сайловларнинг сиёсий тизимдаги ўрни, сайловларда сиёсий технологияларни қўллашга доир тадқиқотлар олиб борилган. Бу олимларнинг тадқиқот объектлари, асосан, Америка, Германия, Франция ва Россия каби давлатлар сиёсий тизимидаги сайловлар ҳамда сиёсий технологиялар доирасида амалга оширилиб, уларда ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатлар сиёсий тизимини таҳлил этишга эътибор қаратилмаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маълум даражада демократик сайловлар тизимини шакллантириш, сайлов кампанияларида янги технологияларни қўллаш, бу жараённинг ҳуқуқий ва демократик асослари, сайловларнинг давлат ҳокимиятини

<sup>2</sup> Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари ва фармонлари рўйхати фойдаланган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

<sup>3</sup> Ушбу олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>4</sup> David P.Fidler. Transforming Election Cybersecurity. Council on Foreign Relations. May. 2017.

<sup>5</sup> Daniela Donna. Elections and Democratization in Authoritarian Regimes//American Journal of Political Science, Vol.57, No.3, July 2013, Pp. 703-716.

<sup>6</sup> Мазкур олимларнинг асарлари рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида кўрсатилган.

шакллантиришдаги ўрнига доир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Мамлакатимизда ушбу йўналишда таниқли ҳуқуқшунос олим, академик: А.Саидов, ҳуқуқшунослар: Ф.Бакаева, Б.Мустафоев, О.Хусанов, сиёсатшунос олимлар: М.Қирғизбоев, Қ.Жўраев, К.Хамидова, тадқиқотчилар Ғ.Мирзо, В.Худойбердиева, С.Ғанихўжаев, Н.Нурматов, М.Файзиев, О.Турғунов, Х.Абдурахманов, Ф.Насриддинов, А.Янгибаев кабиларнинг илмий тадқиқот ишлари<sup>7</sup> эълон қилинган.

Сиёсатшунос олим С.А.Жўраев ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сайлов тизимининг шаклланиши, сиёсий партияларнинг платформа ва мафкураларини қиёсий илмий таҳлил этган ва уларнинг сиёсий тизим ҳамда фуқаролик жамияти қуришдаги ўрнини тадқиқ этиб, мамлакатдаги сиёсий фанларнинг ривожланишига муайян ҳисса қўшган<sup>8</sup>.

Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев мустақиллик йилларида сиёсий партиялар ва демократик сайлов тизимининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги эволюциясини таҳлил этган<sup>9</sup>, профессор Қ.Джураев эса, Франция тажрибаси мисолида хорижий сайлов тизими эволюциясини тадқиқ этиб, уни мамлакатимиздаги сиёсий тизимни ислоҳ этиш жараёнлари билан боғлайди<sup>10</sup>.

Ҳуқуқшунос олим О.Турғунов ўз тадқиқотида мамлакатимиздаги сайлов жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини очиқ беришга ҳаракат қилган<sup>11</sup>. Яна бир ҳуқуқшунос олим Х.Абдурахмонов илмий тадқиқотида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга оид жараёнлар тадқиқ этилган<sup>12</sup>.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, юқорида таҳлил этилган илмий тадқиқотларда айнан ва алоҳида тарзда, сиёсий фанлар нуқтаи назаридан давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайлов тизимини демократлаштириш ислохотлари мавзуси тадқиқ этилмаган. Шунингдек, уларнинг анча қисми ҳуқуқшунослик фанлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Бу эса ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини демократлаштириш муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий омили - сайлов тизимини такомиллаштириш ва

<sup>7</sup>Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

<sup>8</sup>Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами. -Т.: ТДШИ, 2003; Жураев С.и др. Ўзбекистон: модернизация и развитие политической системы. -Т.:Академия, 2009;

<sup>9</sup>Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши: сиёсий фан. док. дисс...-Т., 2007. -Б.386; Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба.-Т.: Янги аср авлоди. 2006. -204 б. Партология.-Т.: Akademiya, 2007. -Б.192. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -256 б.

<sup>10</sup>Джураев Қ. Замонавий сайлов тизимларининг шаклланиши демократик тараққиёт омили сифатида (Франция тажрибаси мисолида). Сиёсий фан. док. дисс...-Т., 2009.-Б.372.

<sup>11</sup>Турғунов О. Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнининг ташкилий ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. номзоди... автореферати. -Т., 2009. -Б.27.

<sup>12</sup>Абдурахманов Х. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Тошкент: 2018.- Б.58.

демократлаштириш ислохотларини хорижий ва миллий тажрибалар асосида тадқиқ этиш ҳамда унинг натижаларини миллий амалиётга қўллашнинг назарий-амалий жиҳатларини илмий таҳлил этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- сайлов тизимига оид категориялар ва замонавий сайловларга доир таҳлилларни амалга ошириш;
- сиёсий партиялар ва уларнинг сайлов кампанияларидаги ролини очиб бериш;
- сайлов кампаниялари ва сиёсий партияларни молиялаштиришга оид янги манбаларни таҳлил этиш;
- сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалаларини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- хорижий давлат органларини шакллантиришда сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда унинг фуқаролик жамиятини демократлаштиришга таъсири;
- Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини ошириш масалаларини тадқиқ этиш;
- сайлов тизимини “давлат – бош ислохотчи” принципи асосида ислох этиш оқибатларини таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг янги босқичини таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайлови ва ундаги янги жиҳатларни тадқиқ этиш;
- “Янги Ўзбекистон – Янги сайловлар” – мамлакат тарихидаги илк демократик қадриятларга асосланган сайлов;
- давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, бу жараёнда сайлов тизимини демократлаштириш асосида олинган илмий натижаларни умумлаштириш, ишнинг хулосаларини шакллантириш, ҳозирги даврда бу соҳадаги ислохотлар жараёни учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайлов тизимининг эволюцияси, унинг миллий ва ўзига хос жиҳатларининг шаклланиши ва ривожланиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистонда сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ислохотлари, бу тизимда сиёсий партиялар ҳамда сиёсий-ҳуқуқий омилларнинг ривожланиш тамойиллари, уларнинг демократлашув ва электоратнинг фаоллашув жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда илмийлик, мантиқийлик, тарихийлик, тизимлилик, компаративистик усуллар, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда сайлов тизимини янада ривожлантириш орқали давлат ҳокимияти органларини модернизация жараёнларини янада чуқурлаштириш,



ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши билан узвий боғлиқлиги асослантилган;

ривожланган мамлакатларнинг давлат органларини шакллантиришда сайлов тизимидаги жамоатчилик назоратини ўрнатишга оид тажрибаларини мамлакатимиз сайлов тизимида қўллаш механизмлари илмий асосланган;

демократик асосда ривожланиб бораётган давлатларда синовдан ўтган замонавий ахборот технологияларини кенгроқ татбиқ этиш мамлакатимизда сайлов жараёнлари шаффофлигини таъминлаши ва фуқароларнинг сайловга бўлган ишончини ошириши кўрсатиб берилган;

Ўзбекистонда миллий сайлов тизимининг такомиллашуви ва сўнгги 4 йил мобайнида шаклланган сайлов қонунчилиги давлат бошқарувида давлат ҳокимияти органлари фаолияти иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таҳлил этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- “сайлов тизими” тушунчасининг моҳияти, сайлов тизимларининг келиб чиқиши ва шаклланиши, сайлов тизимларининг (пропорционал, мажоритар, аралаш) назарий ва амалий жиҳатлари, хорижий мамлакатлар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайлов тизимининг ўрни катта эканлиги асосланган;

- 2017-2019 йиллар оралиғидаги Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари таҳлил қилиниб, сайлов тизимининг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва сиёсий партиялар фаолиятига таъсири асослаб берилган;

- Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини янада ривожлантиришнинг пиривард мақсади – мамлакатдаги давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда халқаро андозаларга мос равишда сайлов тизимини ривожлантириш бўлиб, шу орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

- тадқиқотда амалга оширилган илмий таҳлиллар, яъни хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш натижасида Ўзбекистон сайлов тизимини истиқболда янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланди ва уларнинг ечимларига оид таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровномалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусида давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда ва улар фаолиятини ташкил этиш муаммоларини тадқиқ этишда, сиёсий партиялар ва сайловларга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, сиёсатшунослик фани бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув

ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатда сиёсий тизим ва ундаги сиёсий жараёнларни эркинлаштиришга доир ислохотларда сиёсий технологияларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрнини тадқиқ этишда демократик тамойилларга амал қилиш, бу жараёнларни миллий тажрибалар билан бойитишга доир олинган натижалар сиёсатшунослар, журналистлар, давлат ҳокимияти органлари ходимлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ходимларининг амалий фаолияти учун назарий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайлов тизимини демократлаштириш ислохотлари (хорижий ва миллий тажрибалар қиёсий таҳлили) бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

мамлакатимизда сайлов тизимини янада ривожлантириш орқали давлат ҳокимияти органларини модернизация жараёнларини янада чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши билан узвий боғлиқлигига оид таклифлардан МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 30 сентябрдаги 396/4-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу таклифлар сайлов тизимининг янада адолатли ва эркин ўтиши ҳамда инсон ҳуқуқларининг тўла таъминланишига хизмат қилган;

ривожланган мамлакатларнинг давлат органларини шакллантиришда сайлов тизимидаги жамоатчилик назоратини ўрнатишга оид тажрибаларини мамлакатимиз сайлов тизимида қўллаш механизмларига тегишли таклифлардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-245-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида тайёрланган ҳужжатларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, кенгаш қошидаги жамоатчилик билан ишлаш фаолиятининг такомиллашувига, жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигининг оширилишига, уларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган;

демократик асосда ривожланиб бораётган давлатларда синовдан ўтган замонавий ахборот технологияларини кенгрок татбиқ этиш мамлакатимизда сайлов жараёнлари шаффофлигини таъминлаши ва фуқароларнинг сайловга бўлган ишончини оширишига оид таклифлардан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2020 йил 7 октябрдаги 01-1/1/187-сон маълумотномаси). Натижада, партиянинг дастурлари, йўл хариталари ҳамда маънавий-маърифий режалари илмий асослар билан бойитилган;

Ўзбекистонда миллий сайлов тизимининг такомиллашуви ва сўнгги 4 йил мобайнида шаклланган сайлов қонунчилиги давлат бошқарувида давлат ҳокимияти органлари фаолияти иш самарадорлигини оширишга хизмат қилишига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил

30 сентябрдаги 396/4-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу таклифлар асосида ишлаб чиқилган дастурлар ва иш режалари сайлов даврида туман ва шаҳар сайлов комиссияси фаолиятининг самардорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижаларига кўра жами 19 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 10 та (4 таси хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 9 та (2 таси хорижий нашрларда) илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 154 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сайлов тизимини тадқиқ этишнинг методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобининг биринчи параграфида **“Сайлов тизими тушунчаси ва замонавий сайловлар тизими”** масалалари таҳлил этилади. Бу асосий эътибор XX асрда шаклланган сайлов тизими - ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамлаб кўйилган. Демократик жамиятда сайловлардаги курашлар сиёсий партия фаолиятининг асосий курашлар майдони таҳлилига қаратилади<sup>13</sup>.

Сайловлар натижаларини аниқлаш, асосан, иккита катта сайлов тизими асосида кечади: можаритар ва пропорционал тизимлар. Можаритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгиланганидек, энг кўп овоз олгандагина, у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг ана шу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Сайловнинг аралаш турида бир вақтнинг ўзида ҳам можаритар, ҳам пропорционал тизимдан фойдаланилади<sup>14</sup>.

Сайлаш ёки ишонч билдириш учун овоз беришнинг учта асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин: муқобил, коммулятив (умумий), лимитлашган (меъёрлаштирилган). Сайловларда овоз беришнинг «рейтинг» тизими («плампинг» деб ҳам аталади) - бир номзод учун ёки барча номзодлар учун бирваракайига овоз бериш - ва пойнт-тизим (моддалар ёки рўйхат бўйича). Рейтинг тизимида сайловчи бюллетендаги номзодларга ўзи хоҳлаганича овоз бериши мумкин: улардан бирига ёки бир нечтасига бирваракайига

<sup>13</sup><https://businessman.ru/new-mazhoritarnaya-i-proporcionalnaya-izbiratelnye-sistemy.html>.

<sup>14</sup>Қаранг: Қирғизбоев М. Демократик сайловлар: халқаро тамойиллар ва миллий ўзлик//Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2000, №1-2. -Б.44-48.

овоз бериши мумкин. Бунда давлат ҳокимияти органига бўлган сайловда энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади<sup>15</sup>.

Сайлов кампанияси ҳам сиёсий бошқарувнинг ўзига хос бир тури бўлиб, сайлов кампаниясида номзодлар бошчилигидаги ҳар бир гуруҳ сиёсат субъекти вазифасини бажаради (гуруҳ партия ташкилоти, ҳамфикрлар гуруҳи, сиёсий маслаҳатчилар, ишончли вакиллар ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин). Худудлардаги сайловчилар эса, ушбу сиёсий жараённинг объекти ҳисобланади<sup>16</sup>.

Сайлов кампанияси номзодларнинг ўзаро рақобати кескин кечадиган жараён бўлиб, унинг иштирокчилари электоратга таъсир кўрсата олиш, бошқарув ресурсларидан тўлароқ фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш мақсадида ўз обрўини ошириш, сиёсий жараёнларда кўзга ташланишга уринадилар.

Биринчи бобнинг «**Сиёсий партиялар ва уларнинг сайлов кампанияларидаги роли**» номли иккинчи параграфида асосий эътибор парламентар ва республика шаклидаги давлатлар сиёсий партияларининг сайловлардаги ўрнига қаратилган. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокидан ташқари, палаталар фаоллигининг ўзи ҳам улар томонидан таъминланади. Парламентлар фаолияти асосини партиявий манфаатлар, шунингдек, улар ортида турган манфаатдор гуруҳлар иродалари ташкил этади. Шунингдек, парламентдаги раҳбар лавозимлар ҳам аввал партия ёки партиявий фракциялар йиғинларида ҳал бўлиши анъанага айланган.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш сайлов округларини ташкил этиш ва овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби бир давлат доирасида ёки бошқа давлатларда бир-биридан турфа хиллиги билан ажралиб туради. АҚШда партиялардан номзодларни ажратиш олишнинг оддий усули, бу – маҳаллий кўйи сайловлар (праймериз)ни ўтказишдир. Муниципал кенгашларга сайлов ўтказишда уч хил сайлов округлари мавжуд: бир мандатли, кўп мандатли ва ниҳоят, муниципалитет худудида бир ва кўп мандатли сайлов округини ташкил этиши мумкин. Сайлов округларининг энг кўп тарқалган шакли, бу кўп мандатли сайлов округларидир.

Аҳолининг сиёсий хоҳишларини шакллантириш учун партия дастурларини олдиндан пухта режалаштириш талаб қилинади, Ҳаттоки, бу соҳада узоқ муддатли стратегик дастурлар қабул қилиш фойдадан холи эмас. Бу дастурда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

- дастурда партиянинг бошқа партиялардан фарқи аниқ ва равшан сезилиб туриши лозим;

- партиянинг дастури унинг сиёсий фаолияти учун асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши, шу билан бирга, дастур электоратни (ёки унинг маълум қисмини) ўзига хос ўзаро ғоявий боғловчи-ҳалқа вазифасини бажариши лозим;

- дастур доимо ва ҳар бир сайлов кампанияси даврида сайловчининг ўзини ўзи англаш жараёнларига таъсир этиб, партияга янгидан-янги хайрихоҳларни жалб этади, партия тўғрисида сайловчилар тасаввурининг шаклланишига ёрдам беради;

- дастур сайловолди ҳаракат дастури учун асосий манба вазифасини ўтайди<sup>17</sup>.

<sup>15</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/Рейтинговое\\_голосование](https://ru.wikipedia.org/wiki/Рейтинговое_голосование).

<sup>16</sup>Авченко В. Тактика проведения избирательной кампании и формирование имиджа/<https://psyfactor.org/polman2.htm>.

<sup>17</sup>Қаранг: <https://lecu.ru/teoriya-gosudarstva-i-prava/119-munitsipalnoe-samoupravlenie-i-politicheskie-partii-kak-subekty-politicheskoy-sistemy>.

Шунга қарамасдан, маҳаллий партия ташкилоти муниципал кенгашдаги ўз фракциясини партиянинг бир қисми сифатида тасаввур этганида ҳамда ҳар иккаласи ўртасида ўзаро ишонч ва адолатли меҳнат тақсимоли тамойилига асосланган муносабатлар ўрнатилгандагина муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатиши мумкин.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида “**Сайлов кампаниялари ва сиёсий партияларни молиялаштириш: хорижий ва миллий тажриба**” таҳлил этилган. Тарихий ривожланиш тажрибаларидан маълумки, сиёсий партиялар моддий маблағларсиз ҳеч бир даврда ўз мақсадларини тўлиқ бажара олмаганлар. Шундан келиб чиқиб, ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги даврда шаклланган қонунчилиги партияларнинг уч гуруҳдан иборат молиявий манбалари бўлишини назарда тутди: 1) партияларнинг хусусий маблағлари; 2) партияларни қисман молиялаштириш; 3) партияларни давлат томонидан молиялаштириш. Айрим олинган мамлакатларда бу учта гуруҳ молиявий манба ўртасидаги ўзаро нисбатлар, мазкур мамлакатлардаги ҳар хил ҳуқуқий мувофиқлаштиришлардан келиб чиқиб ҳам, турличадир. Партияларнинг хусусий маблағларига: партияга кириш ва аъзолик бадаллари, бадавлат ёки юқори лавозимлардаги партия аъзолари томонидан партия хазинасига ўтказилган маблағлар, партия тадбирларидан (кўرғазмалар, маърузалар, фестиваллар кабилар) олинган тушумлар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан келадиган даромадлар (Австрия, Бельгия, Туркия мамлакатлари қонунларида кўзда тутилган) киради<sup>18</sup>.

АҚШда 1972 йилда қабул қилинган Қонунга мувофиқ сиёсий партияларни тўғридан-тўғри молиялаштиришга йўл қўйилмайди. Партиялар ёрдам олиш учун жисмоний шахслардан маблағлар йиғиб, сайловлар харажатларини молиялаштирадиган Сиёсий ҳаракатлар қўмиталари (СХҚ) тузишлари лозим бўлади. Қонунда СХҚга қўйидагича таъриф берилади: “Сиёсий қўмита” календарь йил давомида 1000 доллардан ортадиган бадаллар олувчи ёки календарь йил давомида 1000 доллардан ортиқ харажатларни амалга оширувчи ҳар қандай қўмита, клуб, уюшма ёки шахсларнинг қандайдир гуруҳи бўлиши мумкин”<sup>19</sup>.

Партияларни давлат томонидан молиялаштириш сиёсий партиялар тўғрисидаги ҳозирги давр қонунчилигидаги асосий тамойиллардан бирига айланди. Бу каби молиялаштириш амалиёти ХХ асрнинг 50-йиллари ўртасидан бошланган. Бундай амалиёт, дастлаб, учта мамлакатда (1954 йилда Коста-Рика, 1955 йили - Аргентина, 1959 йили Германия Федератив Республикаси) бошланган бўлса, ХХ асрнинг 90-йиллар ўртасига келиб бу амалиёт оммалашиб, уни қўллайдиган мамлакатлар сони бир неча марта кўпайди (Хаттоки, 45 та Африка, 17 та собиқ социалистик давлатлар, кўпчилик МДХ давлатлари қонунчилиги партияларни давлат томонидан молиялаштиришни қонунлаштирдилар).

Сиёсий партияларни молиялаштириш Германияда 1994 йилнинг январида Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилинди. Германия қонунчилигига биноан сиёсий партиялар, асосан, 2 та йўл билан молиялаштирилади: 1) сиёсий партиялар, биринчи галда, партия аъзоларининг аъзолик тўловлари, хайрия

<sup>18</sup>Теслюк С.А. Сравнительный анализ финансирования политических партий и их избирательных фондов зарубежных стран с «полной демократией»// Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. -2014. № 4 (36). -С. 114

<sup>19</sup>Ўша жойда.

маблағлари ёки хусусий иқтисодий фаолиятдан тушган даромад асосида ўзларини ўзлари молиявий жиҳатдан таъминлайдилар; 2) партия аъзоси партия ташкилотига мунтазам равишда аъзолик бадалини тўлаб бориши лозим.

Умумий сайлов ҳуқуқи асосида шаклланган парламент, эндиликда, бой ва обрўли шахслар мажлиси эмас, балки профессионал қонуншунослар масканига айланди. Барча депутатлар халқ вакиллари сифатида халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги самарали фаолиятини амалга оширишлари учун, иложи борича, молиявий жиҳатдан мустақил бўлиши лозим.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш тартиби “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида ва Сайлов кодексининг 100-моддасида белгиланган. Мазкур моддада сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилгач, рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб варағига ўтказилади. Қонуннинг шу моддасида ажратилган маблағлардан сиёсий партиялар қандай ва нима учун фойдаланиши ҳам кўрсатиб қўйилган.

**“Ўзбекистонда сайлов тизимини демократиялаштириш йўлидаги муаммолар”** деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфидида **“Сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ислохотлари”**га доир масалалар таҳлил этилган. Ўзбекистонда сайловларнинг тенг сайлов ҳуқуқи принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. ...Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади»<sup>20</sup>.

Ўзбекистонда сайловларнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатларда кенг ёйилган демократик принциплар асосида шаклланди. Олий Мажлис томонидан 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, у 1994 йил декабрдаги ва 1999 йил декабрдаги парламент сайловлари кампанияларини мувофиқлаштирди. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди. Шунингдек, 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунига ҳам 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритилди. Шунингдек, 1994 йил 5 майда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунлар

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. -Б.31-32.

Ўзбекистонда демократик сайловларни амалга оширишнинг демократик принциплар асосидаги ҳуқуқий асослари сифатида катта синовлардан ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддаси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида қуйидагича ифодаланди: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади”<sup>21</sup>.

Ўзбекистонда “Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар”<sup>22</sup>. Мамлакат олий вакиллик ҳокимияти - Олий Мажлис умумдават аҳамиятига молик энг олий қарорлар қабул қилувчи орган бўлгани учун ҳам Конституцияда (77-модда) унинг ҳар иккала палатаси – Қонунчилик палатасига депутат ва Сенатга аъзо бўлиб сайланиш ҳуқуқининг 25 ёшга тўлган фуқароларга берилиши мустаҳкамланган<sup>23</sup>. Шунингдек, Конституциянинг 90-моддасига биноан, мамлакат Президенти лавозимида Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқароси сайланиши мумкин<sup>24</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг (1994 йил 5 май) 1-моддасида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари демократик қадриятлар талаблари даражасида белгилаб қўйилди<sup>25</sup>. Маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг кенг иштирок этиши учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг бевосита ташаббус гуруҳлари воситасида маҳаллий органлар депутатлигига номзод кўрсата олиш ҳуқуқи қафолатланди. Мамлакатда амалга оширилаётган сайловларга доир қонунчиликни такомиллаштириш жараёнлари – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқликдаги ўзгаришлардир.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрнини ошириш жараёни”** деб номланган бўлиб, унда асосий эътибор сиёсий партияларни ислоҳ этиш жараёнига қаратилган. Фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар жамият ва давлатни боғловчи демократик институт вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб

---

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. -Т.:ТДҲОИ, 2004. -Б.5-6.

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. -Т.:ТДҲОИ, 2004. -Б.6.

<sup>23</sup>Қаранг:Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2019. -Б.15.

<sup>24</sup>Қаранг:Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2019. -Б.22.

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (ўзгартиришлар билан) Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. -Т.:ТДҲОИ, 2004. -Б.38.

кўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар”<sup>26</sup>, деб қайд этилган.

1994 йил 5 декабрда илк бор кўппартиявийлик асосида Олий Мажлисга бўлган сайловларда номзод кўрсатиш ҳуқуқи иккита субъект - сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларига берилган эди. 1999 йил 25 декабрдаги Олий Мажлисга бўлган сайловларда эса номзод кўрсатиш ҳуқуқига учта субъект – сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари эга бўлди.

2008 йил 25 декабрда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 135 тасига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди, 15 та ўрин эса сайлов квотаси доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди<sup>27</sup>.

2004 йилдан бошланган Парламент ислоҳотининг мантиқий ривожини, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини оширишга қаратилган муҳим саъй-ҳаракат бўлди. 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини оширишда муҳим аҳамият касб этди<sup>28</sup>.

1996-2010 йилларда мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш ислоҳотларини амалга ошириш натижасида сиёсий партияларнинг жамият институти сифатида кенг фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий, сиёсий ва молиявий асослар яратилди. Лекин, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг сайлов округлари, участкалари тузилиши мумкин бўлган ҳудудларда бошланғич ташкилотлари ёки бошқа шаклдаги таъсир кўрсатиш қобилятига эга бўлган гуруҳларининг етарли даражада ҳали мавжуд эмаслиги бу партияларнинг сиёсий саҳнадан ҳали анча йироқ эканлигини англатади.

2015 йилларга келиб ҳам, баъзи партияларда нафақат аъзолар ёки бошланғич ташкилотлар расмийлашмаган, балки кўпчилик туман ва шаҳарларда уларнинг маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти, умуман, сезилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, ушбу партияларнинг жойлардаги маҳаллий етакчилари, кўпинча юқори партия органлари кўрсатган номзодлар (ижроия ҳокимият билан келишилган ҳолда) ичидан сайланади. Ўтказилган социологик тадқиқот натижаларида ҳам ушбу фикр ўз тасдиғини топган.

Мустақилликнинг 25 йили ичида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари бирмунча ривожлантирилгани билан уларнинг амалий фаолиятида катта ўзгаришлар бўлмади. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг 5 тамойилидан бири – “давлат – бош ислоҳотчи” принципининг қўлланилиши оқибатида ижроия ҳокимияти ҳаддан ортиқ кучайтирилди. МХХ ва прокуратура органларининг назорат функцияси ниҳоятда кенгайтирилди. Натижада, турли ННТ каторида сиёсий партиялар ҳуқумат ва маҳаллий

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019. -Б.12.

<sup>27</sup> Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида.–Т.: Шарқ, 1998. -Б.34-35.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Қонуституциявий Қонуни. 2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 151-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.



ҳокимликларга бўйсунадиган, ўзини ўзи мустақил равишда шакллантирадиган органлар даражасига чиқа олмади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфидида **“Сайлов тизимини “давлат – бош ислохотчи” принципи асосида ислоҳ этиш ва унинг натижалари”**га оид таҳлиллар амалга оширилган. Ўзбекистонда Олий Мажлисга илк бор мустақил ва суверен давлат сифатидаги сайловлар 1994 йил 25 декабрда ўтказилди. Бу сайловда 250 та депутат сайланди. Олий Мажлис таркиби Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан (ЎзХДП) сайланган 69, «Ватан тараққиёти» партиясидан сайланган 14, вакиллик органларидан сайланган 167 депутатлардан ташкил топди<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган 1999 йил 5 декабрдаги сайловлар жараёни натижаларига биноан (2000 январдаги ҳолат), Ўзбекистон ХДПдан – 48 та, «Ватан тараққиёти» партиясидан – 20 та, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – 10 та, «Адолат» социал-демократик партиясидан – 11 та, «Фидокорлар» миллий-демократик партиясидан – 34 та, сайловчилар ташаббускор гуруҳлардан – 16 та, ҳокимият вакиллик органларидан – 110 та депутатлар сайландилар. Уларнинг 18 таси аёллардан иборат бўлди.

Шунингдек, 1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари ўтказилган икки тур халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар натижаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига - 661 та, туман Кенгашларига - 4564 та, шаҳар Кенгашларига - 831 та депутат сайланди. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари - «Адолат» социал-демократик партиясидан, 85 нафари - «Ватан тараққиёти» партиясидан, 20 нафари - «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, 509 нафари - «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан, 1997 нафари эса - Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан вакиллари. 360 нафар депутат - вакиллик органлари, 2943 нафари - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 81 нафари - сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари ҳисобланади<sup>30</sup>.

2000 йил 9 январда ўтказилган Президентлик сайлови натижалари қуйидагича бўлди: «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан номзоди Ислон Абдуғаниевич Қаримов учун 11147.621 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов учун 505.161 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 4,17 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссиясининг 2000 йил 11 январь куни ўтказилган навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Ислон Абдуғаниевич Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисидаги қарорини қабул қилди<sup>31</sup>.

2004 йил 26 декабрда икки палатали парламент ислохотларининг таркибий қисми сифатида сайлов бўлиб ўтди. Сайловда Парламент Қонунчилик палатасидаги 120 та депутатлик ўринларига 489 та номзод кўрсатилди. Ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Қонунчилик палатасидаги 41 та ўринни (34,2 %) эгалладилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 28 та депутат (23,3 %) сайланди. Шунингдек, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг 18 та

<sup>29</sup> Файзиёв М. Сайлов тизими//Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. – Т., “Ўзбекистон”, 1997.-Б.196-197.

<sup>30</sup> Қирғизбоев М. Вакиллик органларига сайловлар//Ўзбекистон овози, 2004 йил, 28 октябрь.

<sup>31</sup> Ўша жойда.

номзоди (15,0 %), “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 11 та номзоди (9,2 %), “Адолат” социал-демократик партиясининг 10 та номзоди (8,3 %) Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди<sup>32</sup>.

2005 йил 17-20 январда Олий Мажлис Сенатига вакиллик органлари - Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йўли билан сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар кампаниясида маҳаллий депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари - 84 та сенатор сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланди<sup>33</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилгача бевосита сайловларни ривожлантиришга доир ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, 135 та сайлов округидан Қонунчилик палатасига 150 нафар, маҳаллий Кенгашларға 6124 нафар депутат сайланди. Олий Мажлис Сенатининг шакллантирилиши парламент сайловида муҳим босқич бўлди. Олий Мажлис Сенатининг 84 нафар аъзоси 2010 йилнинг 20-22 январида сайлов қонунчилиғига тўла мос ҳолда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида сайланди.

2014 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон парламенти ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар натижаларига кўра, парламент қуйи палатасига 150 нафар депутат, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар; Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланди. 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракати номзоди сифатида сайланди. Сайланган депутатларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди. Сайланган 150 нафар депутатдан 40 нафари ёки 27 фоизи илғари Қонунчилик палатаси депутати бўлган<sup>34</sup>.

Лекин 2014 йил 21 декабрдаги парламент ва маҳаллий вакиллик органларига бўлган сайловларни ҳам халқаро стандартлар ва демократик принциплар талаблари

<sup>32</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005.-Б. 92-97, 107-113.

<sup>33</sup>Қаранг: Ўша жойда. -Б.33-34.

<sup>34</sup>Қаранг: Ўша жойда. -Б.169

даражасида ўтказишга эришилмади. Бу ҳақда жаҳондаги сайловларни халқаро стандартлар асосида баҳоловчи бирдан бир халқаро ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюросининг (ДИИХБ) Дастлабки хулосаларида келтирилган баҳолашда кўришимиз мумкин:

“2014 йилги парламент сайловлари компетентлик асносида ўтказилди, аммо уларда ҳақиқий сайлов рақобати ва мунозаралари кузатилмади. Мусобақалашаётган тўртта партиянинг барчаси давлатни қўллаб-қувватловчи ва давлат томонидан қўллаб-қувватланувчи бўлиб, уларни бир-бирига рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи дейиш мумкин”<sup>35</sup>.

2015 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 нафардан 18 млн. 942 минг 349 нафар сайловчи овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 91,08 фоизини ташкил қилар эди.

Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 17 млн. 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислom Абдуғаниевич Каримов учун овоз берди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга – 583 минг 309 нафар сайловчи ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хотамжон Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафар сайловчи ёки 2,92 фоизи, «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафар сайловчи ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз берди.

Президент сайлови кампаниясида чет элнинг 980 нафардан ортиқ журналистлари иштирок этди<sup>36</sup>. Шунга қарамай, халқаро ташкилотлар томонидан бу сайлов ҳам ижобий баҳоланмади. ЕХХТ чекланган кузатувчилар миссияси ҳисоботида 2015 йил 29 мартдаги сайловларга нисбатан қуйидагича хулосалар берилди: “Президент Ислom Каримов бошқаруви остидаги ижроия ҳокимияти сиёсий ҳаёт устидан ҳукм юргизди ва бошқа ҳокимият тармоқларини деярли тўла назорат қилди”<sup>37</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, мустақилликнинг ўтган чорак асри давомида ҳам мамлакатда “Давлат – бош ислоҳотчи” принципини қўллаш натижасида жамият институтлари – сиёсий партиялар ва сайлов тизими фуқаролик жамияти талаблари даражасида ислоҳ қилинмади.

**“Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ролини янада оширилиши”** деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфида **“Сайлов тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи”**га оид масалалар таҳлил этилган. 2017-2019 йилларда Ўзбекистон тарихида муҳим ўзгаришлардан бири - бу сайлов тизимининг янгидан ислоҳ этилиши, яъни фуқароларнинг ўз иродалари ва сиёсий нуқтаи назарини ифодалаш эркинлигининг ўрнатилиши бўлди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “...сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг

<sup>35</sup> ЕХХТ/ДИИХБ. Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссия. Дастлабки натижалар ва хулосалар баёоти . 2014 й. 21 декабрь//—Варшава: ЕХХТ/ДИИХБ, 2015.-Б.2.

<sup>36</sup> 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди.//<http://elections.uz/>.

<sup>37</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича 2015 йилги ҳисобот: Ўзбекистон.// <https://uz.usembassy.gov/>.

ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш” вазифаларидан келиб чиқиб, 2017 йил 15 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди<sup>38</sup>.

2018 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга биноан “сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, ...сайлов тизими ва қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштириш, сайлов комиссиялари ва референдумни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш” вазифалари белгиланган<sup>39</sup>.

2018 йил 6 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида: “сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, фуқаролар конституциявий сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартлар, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, сайлов тизими ва қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштириш”га оид вазифалар белгиланди<sup>40</sup>. 2019 йил январда янги Ўзбекистон Экология партияси ташкил топди, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффофликда кечиши учун шарт-шароитлар яратилди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига яна қўшимча равишда қуйидаги ваколат киритилди: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб чиқиш ва маъқуллаш қиради”<sup>41</sup>.

Ва ниҳоят, 2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Мазкур Сайлов кодекси мустақиллик даврида қабул қилинган 5 та қонун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Республика Президентлигига,

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2017 йил 15 август.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.,33-сон,859-модда.

<sup>39</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2018 йил 4 октябр.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3961/2002-сон.

<sup>40</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 6 ноябрь 2018 й.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2018 й., 07/18/4004/2162-сон;14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

<sup>41</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 11 март, 10-сон, 173-модда.

махаллий вакиллик органларига, шунингдек, фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари, Марказий сайлов комиссиясига оид 5 та қонунни ўзида мужассамлаштирди. Илгари мазкур 5 та қонуннинг барчасида 190 та модда мавжуд бўлган бўлса, улардаги турли такрорланиш ёки ўз аҳамиятини йўқотган моддалар қисқартирилиб ёки бирлаштирилиб, 103 та моддага келтирилди. Бу моддалар 18 та бобни ташкил этди.

Мазкур кодекснинг асосий вазифаси: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид фаолият ва ҳатти-ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш эди<sup>42</sup>. Сайлов кодексининг қабул қилиниши сайловчилар учун қуйидаги қулайликларни яратди:

- сочилиб ётган, турли йилларда қабул қилинган ушбу 5 та қонун битта Сайлов кодексига бирлаштирилиб, бир-бирини такрорлайдиган ёки ҳаётда эскириб қолган моддалар чиқариб ташланиб, ҳар қандай фуқаронинг танишиб чиқиши учун аниқлик ва қулайликлар яратилди;

- сайлов кампаниялари даврида рўй бериши мумкин бўлган турли чалкашликлар ва тушунмовчиликлар рўй беришининг олди олинди, сайлов тизимидаги турли субъектларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларини амалга ошириш соддалаштирилди;

- сиёсий партияларнинг барча органлари, Марказий сайлов комиссиясидан то сайлов участкасигача бўлган қуйи даражаларда сайловни уюштирувчи барча мутахассис ва ходимлар фаолиятини ташкил этиш осонлашди ва қулайлашди;

- хорижий ва миллий экспертлар, сайловларни назорат қилиш билан боғлиқ халқаро ташкилотлар вакиллари сайловни ўрганиш ва сайлов кампаниясини назорат қилиш фаолиятларида вазиятни таҳлил этишларига қулайлик яратилди.

Шу билан бирга, Сайлов кодексига халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида ифодалашни намоеён этувчи янгича қоидалар ҳам мужассамлашди. Улар қуйидагилардан иборат:

- сайлов кампанияси даврида сайловларга оид барча сиёсий муносабатларнинг субъекти ролини ўйнаш вазифасининг фақат сиёсий партияларга берилиши;

- Экологик ҳаракатга берилган алоҳида имтиёз – унга берилган 15 та депутатлик ўрнини ажратиш қоидаси қонундан чиқариб ташланди (ярим йилдан сўнг бу ҳаракат ўзини сиёсий партия деб эълон қилди);

- маҳаллий вакиллик органлари - халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан номзод кўрсатиш ҳуқуқининг бекор қилиниши (бу ҳолат қуйи палатага бўладиган сайловнинг маҳаллий эмас, балки миллий аҳамиятга эга бўлишини таъминлайди);

- сиёсий партиялар номзодлари илгари Қонунчилик палатасида 135 та депутатлик ўринларини эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич энди 150 тадан иборат бўлди<sup>43</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши – бу сайлов қонунчилигига

<sup>42</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Сайлов Кодекси: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази.–Т.: 2019.

<sup>43</sup>Ҳақимов Р. Сайловлар – демократия кўзгуси.// <https://uzlidep.uz/news-of-party/3989>.

доир янги ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритишни халқ билан кенгашган ҳолда қабул қилиш, ушбу жараёнда халқ розилигини олиш принциплари риоя қилиниши демакдир. Шу билан бирга, сайловларни халқчиллаштиришнинг асосий мақсади – инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашдир. Муҳими, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизими ривожланган давлатларга хос тавсифларни ўзида намоён қила бошлади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида “**Ўзбекистонда 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайлови ва электорат фаоллигини ошиши**”га оид таҳлиллар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК) қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2016 йил 4 декабрь куни деб эълон қилинди. Бу сайловга миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий стандартларлар талаблари асосида тайёргарлик кўрилди<sup>44</sup>. 2016 йил 23 сентябрда МСК қарори билан куйидаги сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ижозат берилди: 1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси; 2. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси; 3. Ўзбекистон Халқ демократик партияси; 4. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси<sup>45</sup>.

Сиёсий партиялар қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг V съезди Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан – Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – Бош вазир Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон ХДПдан – Хотамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров номзодлари кўрсатилди.

Мамлакат сайлов қонунчилиги асосини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳамда жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. МСК ва округ сайлов комиссиялари 1,4 мингдан ортиқ хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказди. Сайлов кампанияси бошлангандан кейин мамлакат ОАВларида сайловлар мавзусида 17 мингга яқин, хорижий оммавий ахборот воситаларида мингдан ортиқ материал эълон қилинди. Сайлов жараёнини холис ва тезкор ёритиш бўйича журналистларга барча зарур шарт-шароит яратилди. Сайлов арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича “Press klub: Saylov.uz-2016” пресс-клуби фаолияти йўлга қўйилди<sup>46</sup>.

Аҳоли ўртасида 2016 йил сентябрь-ноябрь ойларида сайловолди тарғиботлар ва бошқа турли тадбирлар амалга оширилди: мамлакат ОАВда бу йўналишда 9 минг 900 дан ортиқ, хорижий оммавий ахборот воситаларида 800 дан зиёд материал эълон қилинди<sup>47</sup>.

Президент вазифасини бажарувчи Ш.М.Мирзиёев сайловчилар билан учрашувларда фуқаролик жамиятини қуриш ва давлат ҳокимиятини модернизациялашнинг ривожланган мамлакатларга хос янги ғоялари ва принципларини

<sup>44</sup> Абдусаломов М. Президент сайлови – демократик янгилаш ва ислохотлар кўзгуси // <http://uza.uz/>.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси. 2016 йил №3-4 (40-41-сон).-Б.117.

<sup>46</sup> Президент сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланди// <http://uza.uz/>.

<sup>47</sup> Абдусаломов М. Президент сайлови – демократик янгилаш ва ислохотлар кўзгуси// <http://uza.uz/>.

илгари сура бошлади. Дастлаб, у “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиш керак” деган принципни барча йўналишлардаги ислохотларнинг негизига айлантирди. 3 ой ичида давлат бошқарув тизимини юксак давлат мансабларига ўрнашиб олган, коррупцияга берилиб кетган шахслардан тозалади. Ижроия бошқарув органларига янгича фикрлайдиган, қобилиятли шахсларни жалб эта бошлади. Аҳолида давлатга бўлган ишонч руҳияти пайдо бўлди. Мана шу ўзгаришлар сайловга адолат руҳини бағишлади, сайловчиларда қизиқиш уйғотди, демократик унсурлар шакллана бошлади.

2016 йил 4 декабрь кунда сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганлигини эълон қилинди. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра, Сарвар Саъдуллаевич Отамуротовни ёқлаб, 421 минг 55 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи овоз берди, Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб, 15 миллион 906 минг 724 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи овоз берди, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб, 669 минг 187 нафар сайловчи ёки 3,73 фоизи, Наримон Мажитович Умаровни ёқлаб, 619 минг 972 нафар сайловчи ёки 3,46 фоиз сайловчилар овоз берди. Шундай қилиб, натижаларга асосан 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев ғолиб чиқди<sup>48</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси МСК Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини 5 та халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб боргани сиёсий кампания демократик талаблар асосида очик ва ошқора ўтганининг ёрқин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 37 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам фаол иштирок этди<sup>49</sup>.

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайлови 2015 йил 29 мартдагига қараганда анча юқори даражада ўтказилганлигини ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг олдинги сайловга берган баҳоси билан таққослаш асосида яққол кўриш мумкин: “Амалдаги президент шахси сиёсий майдонда ҳеч бир ҳақиқий муҳолифатсиз устунлик қилди. Ушбу муҳит шароитида сайлов жараёнидаги доимий ҳуқуқий ва ташкилий камчиликлар ечилмасдан

<sup>48</sup>2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови//<http://elections.uz/>.

<sup>49</sup>Ўша жойда.

қолмоқда. Қаттиқ чеклов остига олинган оммавий ахборот воситалари амалдаги президентга яққол афзаллик бермоқдалар<sup>50</sup>.

Албатта, бу сайловни кўпчилик хорижий экспертлар ижобий баҳолади. Мухими, 2016 йил 4 декабрда ўтказилган Президент сайлови мамлакат тарихида сайлов тизимини демократлаштиришнинг дастлабки қадами сифатида қолади. Айниқса, сайлов кампаниясининг мамлакат сиёсий тизимини демократлаштиришдаги туб бурилиш даври ислохотлари билан бир вақтда рўй бериши – бу янги Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилаб беради.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида **“Янги Ўзбекистон – Янги сайловлар” – мамлакат сиёсий тизимини ислох этишнинг муҳим омили сифатида** масаласига эътибор қаратилган. Мустақилликнинг чорак асри давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир неча марта ислох этилган бўлса-да, унинг ҳокимиятлар учга бўлинишидаги мувозанатни сақлаш салоҳиятини шакллантириб бўлмади. Президент Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлис қўшма палаталарига 2017 йилдаги мурожаатида куйидаги фикрни билдирган эди: “Йил давомида билдирилган 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи парламентимиз фаолияти самараси етарли эмаслигини кўрсатмайдими? Нима, ислохотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлар қабул қилиши керакми? Қачон парламент, майли, кўп эмас, ҳеч бўлмаса битта соҳани тубдан яхшилашга қаратилган қарор ёки қонун ишлаб чиқади? Қачон бўлади бу иш? Эл-юртимиз сизлардан, муҳтарам халқ ноибларидан бу борада жавоб кутмоқда. Депутат ёки сенатор бўлиб сайландик, энди ўзимиз хоҳлаганча юрамиз, деган гаплар ўтмишда қолиб кетди. Яна бир бор айтаман, уйғониш керак”<sup>51</sup>.

Давлат бошлиғининг бу фикридан кўриниб турибдики, 2017 йилга келиб ҳам, парламент фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бермади. Албатта, бу салбий ҳолатнинг асл сабабчилари сайловлар ва сиёсий партиялар бўлиб, депутатликка номзод танлаш ва сайловларда рақобатнинг йўқлиги, сиёсий партияларнинг ўзаро муҳолифатда фаолият юритмаслиги оқибати эди.

Маълумки, олдинги сайловларда сайлов кампанияси сайловга 20-30 кун қолганда бошланар эди. Сайлов кампаниясида асосий ролни ўйнайдиган сиёсий партиялар мустақил институт даражасига кўтарилмаган эди. Маҳаллий вакиллик органлари ва парламентга кўрсатиладиган депутатлар номзодлари ҳокимликлар ҳамда бошқа юқори органлар томонидан танланиб, кўрсатилар эди. Шунинг учун ҳам аҳолининг сайловлардан ҳафсаласи пир бўлган эди. Аксарият ҳолатларда сайловларнинг қандай яқунланиши ўзини намоён қилиб кўяр эди.

2019 йил октябрь-январь ойларидаги сайловлар кампаниясида ушбу жараённинг демократик принциплар асосида кечишини кузатиш мақсадида келган 9 та халқаро ташкилот ва 41 та хорижий давлат вакиллари, – жами 825 нафар чет эллик кузатувчилар иштирок этишди. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) миссиясининг Ўзбекистонда парламент сайловларининг

<sup>50</sup>ЕХХТ/ДИИХБ. Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссия. Дастлабки натижалар ва хулосалар баёоти. 2015 й. 30 март// -Варшава: ЕХХТ/ДИИХБ, 2015. -Б.1.

<sup>51</sup>Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018. -Б.91-92.



дастлабки натижалари ва кузатиш хулосалари ҳақидаги Баёнотида 2019 йил 25 ноябрдан 23 декабргача бўлган сайлов кампаниясини ижобий баҳолади, унда биринчи марта сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлиги ўсганлиги қайд этилди, ҳокимиятни сўз эркинлиги ва эркин фикр билдиришга нисбатан эътирофи ошганлиги шароитида сайловлар ўтказилганлиги тан олинди.

2019 йил 22 декабрь ва 2020 йил 5 январда 62,8 фоиз сайловчиларнинг иштирок этганлиги, фуқароларимизнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг янгиланаётган Ўзбекистонда янгитдан шакллантирилаётган парламент сайловларига бефарқ эмасликларини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли, одилона ва инсонпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлашларининг яна бир бор исботи бўлди<sup>52</sup>.

2019 йил 25 декабрь ва 2020 йил 5 январь кунлари МСК томонидан дастлабки ҳамда такрорий овоз бериш натижасида, яъни сайловларнинг умумий яқунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар куйидагича депутатлик ўринларига эга бўлдилар:

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53 та депутатлик ўрни.

2. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 36 та депутатлик ўрни.

3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 24 та депутатлик ўрни.

4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 22 та депутатлик ўрни.

5. Ўзбекистон Экологик партияси 15 та депутатлик ўрнини эгаллашди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатларнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар, 39 нафарини ёки 26 фоизини олдин ҳам Қонунчилик палатаси депутати бўлганлар ташкил этди<sup>53</sup>.

Сиёсий партиялардан кўрсатилган ва сайланган депутатларнинг сонлари ўзаро нисбатидан кўриниб турибдики, бу жиҳатдан деярли катта ўзгаришлар юз бергани йўқ. Партияларга нисбатан электоратнинг муносабатида ҳам унчалик сезиларли ўзгаришлар йўқ. Охириги сайловлар олдингиларидан, асосан, сўз ва фикрлаш эркинлиги, сайлов кампаниясининг шаффофлиги, бу жараёни ёритишда ОАВга эркинлик ва танқидий муносабатлар муҳити яратилганлиги, сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозараларнинг авж олиши (бу ҳолат гарча ОАВдан ташқарида сезилмаган бўлса-да), депутатликка номзодлар ва партия етакчиларининг ўзаро бир-бирларини танқид қилиши каби демократик қадриятларга асосланиши билан кескин фарқланди<sup>54</sup>.

Қонунчиликка биноан, 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловларда 213 та маҳаллий кенгашга 6500 нафар депутат сайланиши белгиланди. Сайлов кодексига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан вилоятлар сайлов комиссиялари томонидан халқ депутатлари вилоят кенгашларига сайлов ўтказувчи 829 та сайлов округи, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 5717 та сайлов округи тузилди. Шунингдек, тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловини ўтказувчи 10174 та сайлов участкаси тузилди<sup>55</sup>.

<sup>52</sup> Сайлов яқунлари расман эълон қилинди//Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати//<http://xs.uz/i>.

<sup>53</sup> Ўша жойда

<sup>54</sup> Маҳаллий кенгашларга сайловлар натижаси: партияларнинг ҳудудлардаги кўрсаткичлари эълон қилинди//<https://kun.uz/news/2020/01/14/>.

<sup>55</sup> Мамадалиев Ш. Янги Ўзбекистон – Янги сайловлар//<https://www.postda.uz/>

Шу билан бирга, 2020 йилнинг 14 январида ҳудудий сайлов комиссиялари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларнинг якуний натижалари эълон қилинди. Мазкур сайловларда ҳам вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда депутатликка номзодни, асосан, сиёсий партиялар кўрсатди. Туман, шаҳар ва вилоятларда депутатлик ўринлари учун курашлар кетди. Депутатларнинг 260 таси (31 фоизи) аёл номзодлар орасидан сайланди. Сайлов кампаниясида очиқлик, тенглик, яширин овоз бериш, барча номзодлар учун тенг имкониятлар яратиб бериш принципларига амал қилинди.

Маҳаллий вакиллик органлари сайлови ҳам илгари ўтказилган бу каби сайловлардан анча фарқ қилди. Мазкур сайловда депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди. Сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар ўртасида дебатлар, баҳс-мунозаралар ва ўзаро рақобатчилик яққол кўзга ташланди.

ЕХХТ сайловни кузатиш миссияси раҳбари Кайэтана де Зулуета: “Тарихдан маълумки, демократия бир кечада қурилмайди. У аста-секин амалга оширилади. Ўзбекистон ўзгармоқда ва янгиланмоқда. Сайловлар буни намоён қилди”, деб фикр билдирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловлар олдингиларига нисбатан қуйидаги фарқланишлари билан намоён бўлди:

- мамлакат тарихида биринчи марта Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампаниясидаги фаолияти халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди;

- мамлакат тарихида биринчи марта депутатликка номзодлар ўртасида дебатлар, баҳс-мунозаралар, ўзаро муҳолифий тортишувлар телевиденияда очиқ-ойдин намоёниш этилди;

- мамлакат тарихида биринчи марта сиёсий партиялар ва сайлов кампаниясидаги муаммо ва камчиликлар ОАВ ҳамда блогерлар томонидан очиқдан-очиқ танқид этиб борилди;

- сайловларда иштирок этишдаги чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ишлаб чиқилди, сайлов ана шу рўйхат асосида амалга оширилди;

- жазони ўташ муассасаларида озодликдан маҳрум қилинган, ўта оғир бўлмаган жиноят содир этганликда айбланган шахсларга сайловларда овоз бериш ҳуқуқи берилди;

- сайловлар халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди, уларнинг халқаро стандартларга мос очиқ ва эркин ўтганлиги эътироф этилди.

## **ХУЛОСА**

Мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлаган Ўзбекистонда демократик принципларга асосланган сайлов тизимининг шаклланиш ислохотлари бошланди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг сайлов ҳуқуқига оид меъёрларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловларга оид қонунчиликка киритилди. Унга биноан, Президент, парламент қуйи палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловларнинг: умумий,

тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигининг тобора кучайиб боришида сайловларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистонда 1994, 1999, 2004, 2009 ва 2014 йилларда парламент ва маҳаллий вакиллик органларига, 1991, 1995, 2000, 2007, ва 2015 йилларда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида давлат ва Марказий сайлов комиссияси сайловларни эркин ва адолатли, демократия кадриятлари асосида ўтказишга ҳаракат қилди. Лекин бошқарув тизимининг “давлат – бош ислохотчи” принципи асосида ташкил этилиши, сиёсий партияларнинг ҳақиқий демократик институт сифатида шакллана олмаганлиги, бошқарувнинг авторитар усуллари устуворлиги натижасида бунга тўлиқ эришиб бўлмади. Барча ўтказилган сайловлар ЕХХТнинг ДИИХБ томонидан демократик сайлов сифатида эътироф этилмади.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ҳали демократик мезонларни ўзлаштира олмаганлигининг сабаби - уларнинг ўз аъзолари ва ўзларига нисбатан хайрихоҳ бўлган фуқароларни интеграция қила олиш қобилияти етишмади. Мамлакатдаги ҳамма партиялар аъзоларининг ижтимоий таркиби бир-бирига яқин эканлиги сезилади. Сиёсий партияларнинг ифода этаётган манфаатлари ўртасидаги фарқ унчалик кўзга кўринмасдан, уларнинг дастурлари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир.

Мамлакатда демократик сайлов тизимини шакллантиришдаги туб бурилиш даври Ш.М.Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланганидан кейин бошлади. Мамлакатнинг 2017 йилдан кейинги тарихи - янги Ўзбекистонни шакллантириш даври, деб номланиб, ўзгаришлар жамиятнинг барча соҳаларида ўзини намоён қила бошлади. Бу даврда сайлов тизимини такомиллаштиришга доир туб ўзгаришлар амалга оширилди. Таҳлиллар натижасида 2017-2021 йилларда сайлов тизимини ривожланишига оид қуйидаги хулосалар шаклланди:

1) маълумки, демократик сайловлар инсоннинг ўз қарорини эмин-эркин амалга ошириши билан боғлиқдир; шунинг учун ҳам мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий эркинлик муҳитининг шаклланиши сайловларга тайёргарлик ва сиёсий партияларни жонланиш жараёнларида яққол кўзга ташлана бошлади;

2) бу даврда ОАВга эркинлик берилганлиги, жамиятда блогерлар қатламининг пайдо бўлганлиги натижасида олдинги сайловлар тизими ва сиёсий партиялар фаолияти қаттиқ танқид тиғи остига олинди. Бу ҳолат сайловлар ҳуқуқий асослари ва сиёсий партиялар фаолиятининг бирмунча жонланишига туртки бўлди;

3) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, диний эркинлик, жамият сиёсий тизими, сиёсий партиялар кабиларни танқид қилувчи фуқароларни таъқиб этишни, уларга нисбатан санкциялар беришнинг тўхталиши жамиятда сайлов тизимини ривожлантириш масаласини ҳаёт кун тартибига қўйди;

4) сиёсий партиялар ва уларнинг матбуоти ўртасидаги ўзаро рақобатчилик ва турли соҳаларга доир баҳс-мунозаралар янгидан ривожлантирилаётган сайлов тизими мазмун моҳиятини демократлаштириш ислохотларини бошлаш учун сиёсий шарт-шароит яратди;

5) Ўзбекистон жамиятининг бутун бир дунё мамлакатларига очилиши, мамлакатда халқаро ташкилотлар ваколатхона ва филиалларининг кўпайиши, мамлакатга хорижий экспертлар ва журналистлар ташрифларининг кескин ортиб бориши Ўзбекистон сайлов

ва кўппартиявийлик тизимларига нисбатан хорижий танқидий қарашлар таъсири самарасининг ошишига олиб келди;

6) Мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси асосида сайловлар ва кўппартиявийлик тизимларининг ҳуқуқий асослари ва амалий фаолиятларининг халқаро андозалар асосида йўлга қўйилиши натижасида сайлов тизимида тубдан сифат ўзгаришлари рўй берди;

7) мамлакат қонунчилигида сайловларга оид янгича ёндашувлар шаклланди: мамлакат тарихида биринчи марта Сайлов кодекси қабул қилинди. У ўзида тарқоқ ва турли даврларда қабул қилинган бешта қонунни мужассам этди, улардаги бир-бирини такрорловчи, давр талабларига тўғри келмайдиган моддалар чиқариб ташланди, унга кейинги ўн йилликларда шаклланган халқаро стандартлар киритилди.

Демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасидаги 2017-2020 йилларда Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган ислохотларнинг қуйидаги жиҳатлари мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиб бораётганлигини кўрсатади:

- Ўзбекистонда 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловларда мамлакат тарихида биринчи марта Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампаниясидаги фаолияти халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди;

- мамлакат тарихида биринчи марта депутатликка номзодлар ўртасида дебатлар, баҳс-мунозаралар, ўзаро муҳолифий тортишувлар телевидениеда осик-ойдин намойиш этилди;

- мамлакат тарихида биринчи марта сиёсий партиялар ва сайлов кампаниясидаги муаммо ва камчиликлар ОАВ ва блогерлар томонидан очикдан-очик танқид этиб борилди;

- сайловларда иштирок этишдаги чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ишлаб чиқилди, сайлов ана шу рўйхат асосида амалга оширилди;

-жазони ўташ муассасаларида озодликдан маҳрум қилинган, ўта оғир бўлмаган жиноят содир этганликда айбланган шахсларга сайловларда овоз бериш ҳуқуқи берилди;

-сайловлар халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди, уларни халқаро стандартларга мос очик ва эркин ўтганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистоннинг кейинги тўрт йил ичида жаҳон интеграциясига чуқур кириб борганлиги, мамлакатдаги демократик туб демократик ўзгаришларнинг халқаро майдонда эътироф этилиши, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларининг самарасини ошириш, давлат бошқарувини халқ манфаатлари ва иродаси асосида олиб бориш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни юқори даражага кўтариш – сайлов тизимини чуқур ислох этишга боғлиқдир. Мамлакатда сайловлар тизимини халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар тажрибаси намунасида ривожлантириш учун қуйидаги тавсия ва таклифларни билдираамиз:

- сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар ва ташкилотлар томонидан тавсия этилган меъёрлар асосида ривожлантириш, айниқса, сайловларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга оид жиҳатлари ҳуқуқий асосларини ривожлантириш;

- электоратнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга доир давлат дастурини қабул қилиш ва уни жамиятда жорий этиш;

- сиёсий партиялар ва сайлов кампанияларини молиялаштириш даражасини кўтариш, бу соҳада жаҳон парламентлараро кенгаши томонидан 1994 йилда қабул қилинган “Адолатли ва эркин сайловлар декларацияси” тавсияларини инобатга олган ҳолда сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

- сайлов кампаниялари даврида сиёсий партияларнинг олий ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш жараёнига ижроия ҳокимияти аралашувларини истисно этадиган, жаҳон тажрибасига асосланган махсус қонун қабул қилиш;

- сиёсий партияларнинг демократик сайловларни ўтказишнинг бирдан бир ташкилотчиси сифатидаги ўрнидан келиб чиқиб, улар билан сайловчилар ўртасидаги муносабатлар фақатгина сайлов кампаниялари пайтидагина бўлмасдан, балки муттасил равишда, ҳеч бир узилишсиз ва доимийлик асосида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш;

- сиёсий партиялар ўз фаолиятининг асосий диққат марказларини бевосита жамиятнинг оддий аъзоларига, ижтимоий бирликларига, яъни яшаш жойлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларига қаратиши лозим;

- ҳар бир партиянинг яшовчанлиги, унинг кўлами кенгайиши, ўз олдига қўйган мақсадлари бажарилишини, энг аввало, жамоатчилик фикри ҳал қилишини назарда тутиб, сиёсий партияларнинг ўз ижтимоий таянчлари (қатламлари), шунингдек, ўз хайрихоҳларининг фикр-мулоҳазалари, қарашларини ўрганиш, шу асосда ўз платформаларини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- партияларнинг дастурлари, давлатчилик ва жамиятни ривожлантиришга доир концепциялари ҳам фақат жамоатчилик фикри асосида, яъни электоратнинг сиёсий-ижтимоий иродаси, эҳтиёжи ва турли хил манфаатларини бир тизимга келтириш асосида шаклланишига эътибор бериш;

- сиёсий партиялар ўзлари манфаатларини ифода этаётган ижтимоий гуруҳлар ва электоратнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида улар ўртасида социологик тадқиқотлар олиб бориш, ўз иш режаси ва фаолиятини ана шу тадқиқот натижалари асосида олиб бориш амалиётини жорий этиш;

- маълумки, сиёсий партияларнинг функцияларидан яна бири - бу фуқаролар сиёсий маданиятини оширишда бевосита иштирок этишидир. Бу функцияни жамоатчилик фикрини ўрганмай, жамиятнинг оддий аъзолари ўртасида фаолият олиб бормасдан бажариб бўлмайди. Сиёсий маданияти яхши шаклланмаган сайловчилар ўртасида эса ҳеч бир партия демократик тамойиллар асосида фаолият олиб бора олмайди. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги партияларнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, уни бошланғич партия ташкилотлари воситасида амалга оширишга оид дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши зарур.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**  
**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЮЛДАШЕВ ОТАБЕК АБДУГАФФАРОВИЧ**

**РЕФОРМЫ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ  
В ФОРМИРОВАНИИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ  
(СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО И ЗАРУБЕЖНОГО  
ОПЫТА)**

**23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.(PhD)/Siyos 103.**

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Киргизбоев Мукимжон**  
доктор политических наук, профессор.

**Официальные оппоненты:**

**Жураев Сайфиддин Ахматович**  
доктор политических наук, профессор.  
**Эргашев Баходир Хожикурбонович**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова 45. Тел: (71) 232-60-56, 232-61-16; факс: (71) 239-17-83; e-mail: [dba@exat.uz](mailto:dba@exat.uz), 5-этаж, актовъй зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирован по № \_\_\_\_). На (Адрес: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова 45. Тел: (71) 232-60-56, 232-61-16; факс: (71) 239-17-83.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года).

**К.К. Куранбаев**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Н.О. Шодиев**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф. (PhD)

**А.Т. Жалилов**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во многих странах мира особое внимание уделяется формированию органов государственной власти через избирательную систему. Из-за несовершенства избирательной системы в некоторых странах возникает политическая ситуация, которая создает необходимость дальнейшего совершенствования избирательной системы, формирования современных норм и принципов со стороны международного сообщества.

В современном мире уделяется особое внимание дальнейшему развитию гарантий права граждан избирать и быть избранными, расширению прав политических партий на участие в выборах и определению конкретных направлений формирования и совершенствования органов государственной власти. Следовательно, необходимость дальнейшего совершенствования избирательной системы, повсеместного внедрения современных IT-технологий в избирательный процесс, повышения правовой грамотности и политической культуры избирателей, создания широкой агитационной среды для систематного исследования эффективности избирательной системы выражает актуальность данной проблематики.

